

ПЕНСИЯ ТЎЛАНИШИ ТАРИХИДАН



<https://doi.org/10.24412/2181-1784-2023-6-220-225>

Эрйигитова Лобар Қодировна

соц.ф.ф. док., (PhD)

Термиз мухандислик технология институти

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада илк бор давлат томонидан пенсия таъминотини берилишининг йўлга қўйилиши тарихи хусусида сўз боради. Шунингдек бугунги кунда кексаларга пенсия берилиши борасида дунёнинг айрим минтақалари ва давлатларида олиб борилаётган пенсия таъминоти сиёсати қиёсий ҳолда тахлил қилинган.

***Калит сўзлар:** пенсия таъминоти, ижтимоий ҳимоя, давлат бюджети ҳисобидан маблағ ажратилиши, моддий таъминот, хайр саҳоват, оммавий пенсия тўлаш тартиби, ижтимоий ҳимоя тартиби.*

ABSTRACT

This article talks about the history of the introduction of pension provision by the state for the first time. Also, the pension provision policy conducted in some regions and countries of the world is analyzed in a comparative manner.

***Key words:** pension provision, social protection, allocation of funds from the state budget, material support, benevolence, mass pension payment procedure, social protection procedure.*

КИРИШ

Бугунга қадар етиб келган пенсия тўланиши тарихи қадимги Рим империясидан император Юлий Цезарь замонасидан бошланган.

«Пенсия» сўзи лотинча «pension» – тўлов сўзидан олинган. Тарихда илк пенсия Рим империясида Юлий Цезарь томонидан тўланган. Шунингдек, араб халифалигида ҳам ҳазрати Умар (разияллоҳу анҳу) халифалиги даврида ҳам одамларга нафақа тўлаш жорий қилинган. Ўрта асрларда пенсия биринчи марта 1673 йил Францияда ҳарбий денгиз флоти зобитларига тўланган. Европада 1790 йил Буюк француз революцияси пайтида «Пенсия тўғрисида» қонун қабул қилинган. Унга кўра, ёши 50 дан ошган ва 30 йил меҳнат стажи бўлган давлат хизматчилари пенсия олиш ҳуқуқига эга бўлган.

1825 йилда Пруссияда давлат амалдорларига пенсия тўлаш учун илк пенсия фонди тузилди.

Дунёда оммавий пенсия тўлаш тартиби эса XIX аср сўнгги чорагидан бошланган. Бу тартиб дастлаб Германияда 1889 йилдан бошланган. Кейинчалик оммавий пенсия тўлаш Европанинг бошқа давлатларида ҳам жорий қилинади. Жумладан, Данияда 1891 йил, Янги Зеландияда 1898 йил, Австралияда 1908 йил, Буюк Британияда 1908 йил, Францияда 1910 йил, Нидерландия ва Швецияда 1913 йилдан бошлаб оммавий пенсия тўлаш тизимига ўтилган. Шуниси эътиборлики, илк пенсиялар пенсия суғуртасини тўлаган ҳолда ишлаб кексайган, боқувчисини йўқотган, иш жараёнида ногирон бўлганларга тўланган. Оммавий пенсия тўлаш тизими кейинчалик Италияда 1919 йил, Канадада 1927 йил, АҚШда 1935 йилда жорий этилади.

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Янги даврга келиб осий давлатлари ичида биринчи марта бу борада Япония кашшофлик қилган. Японияда 1942 йил жорий этилган пенсия тўлаш тизими бироз ўтиб мамлакат II жаҳон урушида қатнашаётгани сабаб тўхтатилиб, 1954 йилдан бошлаб қайта йўлга қўйилган. Бугунги кунда «қариялар ўлкаси» Япония ялпи ички маҳсулот ҳажмининг 2 фоизини пенсия тўловлари учун ажратади. Чунки бу мамлакатда қари фуқаролар сони жуда кўп. Шу сабаб аёллар 65 ёшдан, эркеклар эса 70 ёшдан пенсияга чиқишга мажбур.

Дунёнинг бошқа минтақаси Америка қитъасида пенсия тўлаш тизими Жанубий Америкада: Чили ва Уругвайда 1928 йил, Бразилияда 1934 йил, Эквадорда 1935 йил, Перуда 1936 йил, Венесуэлада 1940 йил, Панама ва Коста-Рикада 1941 йил, Мексика ва Парагвайда 1943, Колумбияда 1946 йил, Доминиканда 1947 йил, Сальвадор ва Боливияда 1949 йилда жорий қилинган.

Осий давлатларида пенсия тўлаш тизимлари бошқа қитъаларникидан бошқачароқ. Масалан, Хитой ва Ҳиндистонда пенсия ханузгача фақат давлат хизматида ишлаб кексайган, ногирон бўлган ва боқувчисини йўқотган шахсларга тўланади. Оддий фуқароларга пенсия тўланмайди. Ҳиндистоннинг ҳар бир штатида алоҳида пенсия қонунчилиги амал қилади.

Бугунги кунда Европа мамлакатларида демографик муаммолар туфайли кекса ёшдагилар сони ишга лаёқатли аҳоли сонига нисбатан тобора ошиб бормоқда. Масалан, Украинада 1991 йил умумий аҳолининг 18.7 фоизини пенсия ёшидагилар ташкил этган бўлса, 2018 йилга келиб бу кўрсаткич 22.1 фоизга чикди. Демографик тадқиқотчиларнинг хулосасига кўра, 2036 йил Украинанинг 30 фоиз аҳолиси нафақахўрга айланади. Бу эса 16 йилдан кейинги ўзига хос «портлаш»га ҳозирданок тайёрланиш керак дегани. Европа Иттифоқида ҳам ҳолат Украинаникидан яхши эмас. 2010 йил Еврокомиссия Европа Иттифоқида пенсия ёшини аёллар ва эркеклар учун бирдай 70 ёш

қилиш ҳақида тавсия берди. Бунга сабаб Евроиттифоқ мамлакатларининг аксариятида демографик муаммолар бор ва аҳолининг умумий таркибида пенсия ёшидаги кексалар сони йил сайин ошиб борапти. Туғилиш эса паст, аҳоли сони миграция ҳисобигагина ортмоқда. Юқоридаги тавсияга мувофиқ 2016 йил Европа Иттифоқининг айрим мамлакатларида пенсия ёши аёллар ва эркаклар учун 65 ёш этиб белгиланди. Келажакда 70 ёшгача кўтариш режа қилинапти.

Бизнинг юртимизда пенсия таъминоти тартиби ҳақида тўхталадиган бўлсак, аввало қуйидагиларни таъкидлаб ўтишимиз жоиздир. Ўзбекистонда илк пенсия табиийки собиқ Иттифоқ даврида тўланган. СССРда 1956 йилгача пенсия аҳолининг маълум бир тоифаларига тўланган. Масалан, 1918 йил Қизил армия сафида жанг қилиб ногирон бўлганларга, 1923 йилдан бошлаб ёши кекса большевикларга, 1928 йилдан тоғ-кон ва текстиль саноатида ишлаган ишчиларга пенсия тўлаш тартиби жорий қилинган. 1930 йил «Пенсия тўлаш тартиби тўғрисида» илк қонун чиққан. 1932 йилда пенсия ёши аёлларда 55, эркакларда 60 ёш этиб белгиланган. 1937 йилдан бошлаб барча шаҳар аҳолиси бўлган ишчи-хизматчиларга пенсия тўланган. Қишлоқ хўжалигида банд бўлганлар эса пенсия олмаган. 1956 йил «Давлат пенсияси ҳақидаги қонун» қабул қилинади ва СССРда барчага пенсия тўлаш тартиби жорий этилади. Янги қонунда қишлоқ хўжалигида меҳнат қилаётган деҳқонларга ҳам пенсия тўлашни шахсан бош котиб Никита Хрущёвнинг ўзи таклиф этади. Ўзбекистон аҳолиси ҳам ўшандан кейин тўлақонли пенсия ола бошлайди. Чунки бизда кўпчилик қишлоқ хўжалигида банд бўлган.

Ўзбекистон мустақилликка эришганидан сўнг, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш Конституцияда аниқ белгилаб қўйилди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 39-моддасида «Ҳар ким қариганда, меҳнат лаёқатини йўқотганда, шунингдек, боқувчисидан маҳрум бўлганда ва қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда ижтимоий таъминот олиш ҳуқуқига эга» деб белгилаб қўйилган. Ўзбекистонда давлат пенсия таъминоти тизими 1993 йил 3 сентябрда қабул қилинган «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонуни ҳамда ушбу Қонун асосида ишлаб чиқилган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар билан тартибга солинади.

Мазкур Қонунга асосан иш стажига эга бўлмаган фуқаролар ва уларнинг оилалари давлат пенсиялари олиш ҳуқуқига эга эмас, уларнинг ижтимоий таъминланиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2011 йил 7 апрелда тасдиқланган «Пенсия тайинлаш учун зарур бўлган иш стажига эга бўлмаган қарияларга ва меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга

нафақалар тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида»ги Низомга мувофиқ амалга оширилади. Яъни, расман меҳнат фаолиятида банд бўлмаган ва маошидан пенсия жамғармаси учун тўловни амалга ошириб бормаган ўзбекистонликлар ҳам давлат томонидан қариллик нафақаси билан вафот этгунига қадар таъминланади. Ўзбекистонда пенсия ёши эркаклар учун 60, аёллар учун 55 ёш этиб белгиланган.

Яқинда халқ томонидан эътироф этилган янги конституциямизда ҳам аҳолини пенсия таъминоти борасидаги ҳуқуқлар ўзининг қонуний асосини топган. Бугун Ўзбекистонда пенсиядан ташқари қуйидаги ижтимоий тўловлар амалга оширилади:

- ёшга доир нафақа;
- ногиронлик нафақаси;
- боқувчисини йўқотганлик нафақаси;
- болаликдан ногиронлар нафақаси;
- дафн маросими учун нафақа;
- бола туғилганда бериладиган нафақа;
- қўшимча дам олиш учун нафақа;
- шунингдек, турли хил компенсация тўловлари.

Бугун дунёнинг қайси давлатда энг кўп пенсия тўланиши ҳақида ҳар хил вариантлар бор. Бироқ уларнинг аксари деярли фарқ қилмайди. Мамлакатларнинг у ерда жорий қилинган пенсия тизимига қараб тузилган рейтинглари бор. Энг яхши пенсия тизимига эга давлатлар рейтингини қуйидаги мамлакатлар бошқаради: Нидерландия (81 индекс), Дания (80,3), Австралия (75,3), Финляндия (73,6), Швеция (72,3), Норвегия (71,2). Қанақасига ахир, АҚШ қани демократиясиз? Америка бу рўйхатда 16, баъзан 18-ўринда кўрсатилади. Бироқ АҚШ пенсия учун ҳаммадан кўп пул сарфлайди. У ўзининг дунёда тенгсиз мамлакат эканини ҳис қилган ҳолда фуқароларининг ижтимоий ҳимояси учун ҳеч иккиланмай пул сарфлайди. АҚШдаги барча пенсия жамғармаларининг умумий қиймати 9,8 триллион долларгача кўтарилган. Мамлакат федерал пенсия жамғармаси ҳисобида 2019 йил ҳисобида 2,72 триллион доллар пул бўлган. АҚШ да умри давомида ҳеч қаерда ишламай, давлатга солиқ тўламаганлар ҳам нафақа ёшига етгач, ҳар ой 300 доллардан пул олади. Табиийки, бошқа ижтимоий ҳимоя пуллари, фақатгина АҚШ фуқароси бўлгани учунгина бериладиган турли хил имтиёزلардан ташқари. Бироқ бундай миқдорда пенсия оладиган америкаликлар жуда кам. Чунки озгина бўлса-да, меҳнат фаолиятида банд бўлганлар нафақага чиққач, ойига 700 доллардан қариллик пенсиясини олишади. Шунингдек, АҚШда боқувчиси йўқ

пенсионерларга махсус кўп қаватли уйларда яшаш имконияти берилади. Улар нафақаси ҳисобида ўша уйларда имтиёз асосида яшаши ва яна кўплаб қўшимча ижтимоий кўмаклардан фойдаланиши мумкин. АҚШда пенсия ёши 67 ёш этиб белгиланган. Дунё бўйича энг кам пенсия – 550 евро нари ташкил этади. Скандинавия ярим оролидаги давлатларда ижтимоий ҳаёт жуда зўр ташкиллаштирилишидан хабарингиз бор. У ердаги мамлакатларда пенсия тизими ҳам ҳавас қиларли даражада. Масалан, Финляндияда нафақахўрларга ойига 550 евродан кам пенсия тўлаш мумкин эмас. Юқори томондан эса пенсия миқдори чекланмаган ва ҳар ким ишлаганига қараб пул олаверади. Германиялик пенсионерларга ҳам ҳавас қилиш мумкин. Бу мамлакатда ойига 350 евродан кам пенсия тўлаш мумкин эмас. Уй-жойга муҳтож пенсионерлар давлат томонидан уй билан таъминланади. Германияда ўртача пенсия оладиган фуқаро мамлакатда белгиланган ўртача яшаш харажатларидан орттириб машина олиш ва йилига икки марта бошқа мамлакатга дам олгани бориши мумкин. Юртимизга ташриф буюраётган сайёҳларнинг аксарияти кекса ёшдагилар эканлиги бежизга эмас. Уларнинг нафақаси ҳар қандай давлатга айланиб келишга имкон беради.

Испанияда ўртача пенсия ойига 700-900 евро нари ташкил этади. Шунингдек, нафақахўрлар ҳар қандай озиқ-овқат маҳсулотларини арзонроққа сотиб олиши ва хорижга чиқишда арзон чипталарни харид қилиши мумкин. Данияда камида 40 йил яшаган ва қайсидир соҳада белгиланган миқдорда меҳнат қилган фуқаро ойига ўртача 2 800 доллар пенсия олади. Кўп фуқаролари АҚШда ишчи бўлиб фаолият юритувчи Мексика ҳам пенсионерлар учун жуда яхши жой ҳисобланади. У ерда эр-хотин биргаликда ўртача 2 200 доллар пенсия олиши мумкин. Ҳа, баъзи америкаликлар пенсия ёшига яқинлашгач, Мексикага кетиши бежиз эмас. Швейцарияда ижтимоий ҳаёт бир нечта устунларга қурилган. Ўша устунлардан бири – одил пенсия тизими. Ўртача пенсия 1 900 доллар бўлган бу мамлакатда фуқаро оладиган пенсия пули эвазига пенсиягача бўлган давридаги ҳаётининг 60 фоизини таъминлай олади. Шунингдек, бу давлатда ўзига хос эркин суғурта мавжуд. Унга кўра, иш вақтида пул жамғариб боришингиз мумкин. Пенсияга чиққач эса бу пулларни қуртдай санаб оласиз. Францияда ўртача пенсия 1 000 долларни ташкил этади. Пенсиянинг қолган асосий қисми эса ишчининг меҳнат фаолияти давомида тўплаган ўзига хос балларига боғлиқ. Яъни, ишчи бутун фаолияти давомида пенсияси учун муҳим бўлган балларни жамғариб боради. Франция фуқароси вафот этса ҳам тўплаган пенсия пуллари қолиб кетмайди. У тўплаган пуллар турмуш ўртоғининг пенсиясига қўшиб берилиши мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати (REFERENCES)

1. Мирзиёев Ш.М. Миллий тикланишдан– миллий юксалиш сари. Ўзбекистон, 2020
2. Мирзиёев Ш.М. Халқимизнинг ҳаёт даражаси ва сифатини янги босқичга кўтариш – энг муҳим вазифамиз. Ўзбекистон , Тошкент, 2020
3. Миллс Ч.Р. Социологическое воображения. Москва, 2001
4. Климова Е.В.. Социальное одиночество в современном обществе. Санкт – Петербург, 2022.
5. Бекмуродов М. Ўзбек менталитети. Тошкент, 2011.
6. Содиқова Ш.М. Социологиянинг долзарб масалалари. Ренесанс, илм/ нашр,
7. Содиқова Ш.М. Ёшларни ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялашда кексаларнинг ўрни. Тошкент, “Янги авлод“ нашри, 2016.
8. Содиқова Ш.М. Оила тарбияси. – Тошкент, “Маънавият” нашриёти 2019.
9. Эрйигитова Л.Қ. Оилавий ажримларнинг жамият таракқиётига салбий таъсири. Общество и инновации журналы, 2022.
10. Эрйигитова Л.Қ. Оилавий ажримлар олдини олишда давлат ва жамоат ташкилотларининг ўрни. Общество и инновации журналы, 2022.
11. Эрйигитова Л.Қ. Оилавий ажримлар тарихидан баъзи маълумотлар. Хоразм Маъмун академияси ахборотномаси, 2020.